

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 17 » апрель 20 19 у.

№ 326

Toshkent sh.

**Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини
Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп
марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари
томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ–3982-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низоми 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, корхоналар ва хўжалик бошқарувидаги идоралар томонидан хорижий валютада ундириладиган божлар ставкалари, йиғимлар тарифи ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлари тарифлари бўйича (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) IX бўлимига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р.Бобожонов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х.Комилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 апрелдаги
326-сон қарорига
1-илова

**Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг
оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни
расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда
уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка
қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан вақтинча прописка қилиш тартибини белгилайди.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини таклиф қилишни расмийлаштириш ва кўп марталик визаларни бериш ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча прописка қилиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ватандошлар – келиб чиқиши Ўзбекистон Республикасидан бўлган, хорижга чиққан ва хорижий давлат фуқаролигини ёки фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини олган, тарихий Ватанига маънавий ва маданий нуқтаи назардан мансубликни ҳис қилган ҳамда этник ва тил нуқтаи назаридан ўзини ўзбеклар ёки қорақалпоқлар сифатида идентификация қилган ҳамда Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқа қилиш истагида бўлган хорижда истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

ватандошнинг оила аъзолари – ватандошнинг турмуш ўртоғи, унинг ота-онаси ва фарзандлари (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар);

таклиф қилувчи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи, унга нисбатан турмуш ўртоғи, тўғри шажара бўйича биринчи, иккинчи, учинчи даражали ва ён шажара бўйича қариндошлар-ватандошларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

VTD турдаги кириш визаси – Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилувчи ва унинг фуқаролари бўлган қариндошлари томонидан берилган таклифнома асосида келадиган, амал қилиши мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чекланмаган марта ташриф буюрадиган ватандошлар ва уларнинг оила аъзолари учун 2 йил муддатга бериладиган виза тоифаси;

МваФР бўлинмалари – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, шаҳар (туман) ички ишлар бўлимлари ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари.

2-боб. Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тартиби

3. Ватандошларни Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш учун таклиф қилувчи доимий истиқомат қиладиган жойидаги МваФР бўлинмасига муурожаат қилиши ва қуйидаги хужжатларни тақдим этиши лозим:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланган намунадаги 2 нусхада ариза-анкета;

таклиф қилувчининг паспорти (нусхаси олиниб, асли қайтариб берилади);

ватандошнинг шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт, ҳаракатланиш хужжати ва бошқалар) нусхаси;

таклиф қилувчининг ватандош билан қариндошлик даражасини тасдиқловчи хужжатлар (никоҳ тузилганлиги ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ёки уларнинг ўрнини босувчи хужжатлар, нусхаси олиниб, асли қайтариб берилади);

агар ватандош Ўзбекистон Республикасига оила аъзолари билан биргаликда келиш ниятида бўлса, уларнинг ҳар бирининг шахсини ва қариндошлик даражасини тасдиқловчи хужжатларининг нусхалари;

таклиф қилувчининг 3,5 x 4,5 см ўлчамли икки дона фотосурати;

давлат божи тўланганлиги ҳақидаги квитанция.

4. МваФР бўлинмаси уч иш куни мобайнида ариза-анкетани ва тақдим этилган бошқа хужжатларни кўриб чиқади, ватандошнинг таклиф қилувчига қариндошлик даражасини ўрганиб чиқади ҳамда ватандошлар ва таклиф қилувчининг шахсини ички ишлар органларидаги мавжуд маълумотлар базаси бўйича текширади.

5. Ариза-анкета ўрганиб чиқилгач, агар ватандошнинг Ўзбекистон Республикасига келишига ички ишлар органларида тўсқинлик қилувчи маълумотлар аниқланмаса, ариза-анкетанинг бир нусхасини келишиш учун ваколатли органга юборилади.

6. Ваколатли орган билан келишилганидан ва ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклидаги таклифнома тўлдирilib МваФРБ бўлинмаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади, гербли муҳр билан тасдиқланади ва бевосита таклиф қилувчига ёки унинг ишончли вакилига берилади.

Ватандошларни таклиф қилиш ҳақидаги хужжатларни кўриб чиқиш муддати ўн беш иш кунидан ошмаслиги лозим.

7. Таклифнома берилган кундан бошлаб уч ой давомида амал қилади. Таклиф қилувчи ушбу муддат мобайнида таклифномани Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига кириш визаларини расмийлаштириш учун тақдим этади.

3-боб. Ватандошларга Ўзбекистон Республикасига кўп марталиқ кириш визаларини расмийлаштириш тартиби

8. Ватандошларнинг Ўзбекистон Республикасига кўп марталиқ кириш визалари Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги консуллик муассасалари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса – халқаро мақомга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси аэропортларидаги Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бўлинмалари томонидан берилади.

9. Ватандошларга кўп марталиқ кириш визаларини расмийлаштириш учун таклиф этувчи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларига мурожаат қилиб қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланган шаклда виза талаби;

e-visa.mfa.uz сайти орқали олинган электрон анкета;

МваФР бўлинмаси томонидан берилган таклифнома;

таклиф қилинувчи ватандошнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт, ҳаракатланиш ҳужжати ва бошқалар) нусхаси;

таклиф қилувчининг паспорти нусхаси;

кириш визалари Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олинishi мўлжалланган ҳолатларда – авиачипта ёки бронь нусхалари;

давлат божи тўланганлиги ҳақидаги қвитанция.

10. Тақдим этилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан кўриб чиқиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги керак.

11. Мурожаат ижобий ҳал этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амал қилиш муддати икки йил бўлган кўп марталиқ “VTD” турдаги кириш визаси расмийлаштирилади.

Бунда визанинг амал қилиш муддати таклиф қилинаётган шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг амал қилиш муддатидан ошмаслиги лозим.

4-боб. Ватандошларни ички ишлар органларида вақтинча прописка қилиш тартиби

12. Ватандошларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча прописка қилиш тартиби ва барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида” 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон, “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2012 йил 16 февралдаги 41-сон, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорлари билан тартибга солинади.

13. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ватандошлар ўз хоҳишларига кўра меҳмонхона, даволаш муассасалари, санаторий ва дам олиш уйларида (кейинги ўринларда жойлаштириш муассасалари деб аталади) ҳисобдан ўтган ҳолда вақтинча бўлишлари ёки турган жойларида вақтинчалик пропискадан ўтиб ҳудудий ички ишлар органларида ҳисобда туриб хусусий уй-жойларда яшашлари мумкин.

14. Хусусий уй-жойда яшаш истагини билдирган ватандошларни вақтинча пропискадан ўтказиш учун таклиф қилувчи ўзи яшаб турган жойдаги МваФР бўлинмасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ушбу Низомга 5-иловага мувофиқ белгиланган шаклда ариза;

ватандошнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат, Ўзбекистон Республикасига кириш визаси (Ўзбекистон Республикаси билан визасиз режими ўрнатилган МДХга аъзо давлатлар бундан мустасно);

визасиз режими ўрнатилган МДХга аъзо давлатлардан келган ватандошларнинг таклиф қилувчи билан қариндошлик даражасини тасдиқловчи ҳужжатлар (никоҳ тузилганлиги, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар нусхаси олиниб асли қайтариб берилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг вақтинча турар жой майдони беришга розилиги тўғрисидаги аризаси ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси – агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

15. МваФР бўлинмаси вақтинча пропискага топширилган ватандошларнинг ҳужжатлари ҳақиқийлигини, ўз вақтида топширилганлигини, аризадаги биографик ва виза маълумотларининг тўғри ёзилганлигини текшириши лозим.

16. Барча текширишлар тугаганидан сўнг икки иш кунида МваФР бўлинмаси икки йил муддатга вақтинча пропискани расмийлаштиради.

Бунда вақтинча прописка муддати шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва виза муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

5-боб. Ўзбекистон Республикасида вақтинча яшовчи ватандошларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Ватандошлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига риоя этишлари шарт.

18. Ватандошлар яшаш манзилларини ўзгартирсалар уч иш кундан кечикмай вақтинча прописка қилинган жой бўйича ҳудудий МваФР бўлинмасига вақтинча пропискани ўзгартириш учун мурожаат қилиши лозим (меҳмонхона, санаторий ва даволаниш муассасаларига кўчиб ўтиш бундан мустасно).

19. Муайян манзилда вақтинча прописка асосида яшаётган ватандошлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа манзилида уч кундан ортиқ бўлиш истагини билдирсалар, амалдаги вақтинча прописка бекор қилинмасдан бўлиш муддатига вақтинча прописка қилинади. Бунда янги манзилдаги вақтинча прописка аввалги вақтинча прописка муддатида ошмаслиги лозим.

20. Ватандошлар Ўзбекистон Республикасида бундан буён қолишга қонуний асослари бўлмаса, виза ва вақтинча прописка муддатлари тугагунча мамлакат ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим.

21. Ватандошлар қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари, таълим олишлари, доимий прописка билан яшаш гувоҳномаси олишлари мумкин.

22. Ватандошлар Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун тегишли рухсатнома олиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлар вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлигига мурожаат қилишлари керак.

23. Ватандошларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасини доимий прописка билан олиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2012 йил 16 февралдаги 41-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 28 августдаги ПҚ-3924-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2018 йил 22 октябрдаги 845-сон қарорлари билан тартибга солинади.

24. Ватандошларнинг “VTD” турдаги визалари меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун берилган рухсатнома ёки таълим муассасаси билан тузилган шартнома муддатига узайтирилганда виза тури ўзгармайди.

25. Агар ватандош шахсини тасдиқловчи ҳужжатни турли сабабларга кўра алмаштирса, амал қилиш муддати тугамаган эски ҳужжатдаги виза ва вақтинча прописка МваФР бўлинмаси томонидан белгиланган тартибда янгисига ўтказиб берилиши мумкин.

V. Яқунловчи қоидалар

26. Ватандошларнинг кириш визаси ва вақтинча пропискиси қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

содир этган маъмурий ҳуқуқбузарлиги ёки жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилаётганда;

таклифнома, визани расмийлаштириш ҳамда вақтинча пропискадан ўтиш чоғида ёлғон маълумот ёки қалбаки ҳужжат тақдим этилганда;

яшаш гувоҳномаси расмийлаштирилганда ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий прописка олинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганда.

27. Ушбу Низом талабларига риоя этилиши устидан назорат ҳудудий ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

28. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган ҳамда бошқа қоидабузарликларга йўл қўйган ватандошлар ҳақида жойлаштириш муассасалари маъмуриятлари, уй-жой мулкдорлари зудлик билан ҳудудий ички ишлар органларини хабардор қилиши шарт.

29. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча прописка қилиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддатлари
1-босқич	Таклиф этувчи	Ватандошларни таклиф этиш учун ариза-анкета тўлдиради ва тегишли хужжатлар билан доимий яшаш жойидаги МваФР бўлинимасига мурожаат қилади.	Заруратга кўра
2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ МваФР тизимлари	Ватандошларни таклиф қилаётган шахслардан ариза-анкетани ва бошқа хужжатларни қабул қилади. Таклиф қилувчи шахслар ва ватандошларнинг қариндошлик даражасини ўрганиб чиқади ҳамда ватандошлар ва таклиф қилувчининг шахсини ИИОдаги мавжуд маълумотлар базаси бўйича таққослайди. Ариза-анкета ўрганиб чиқилгач, агар ватандошларнинг Ўзбекистон Республикасига келишига ИИОда тўсқинлик қилувчи маълумотлар аниқланмаса, ариза-анкетанинг бир нусхасини келишиш учун ваколатли органга юборади.	Уч иш куни мобайнида
3-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ДХХБ	Ваколатли орган ариза-анкетани кўриб чиқади ва ватандошнинг Ўзбекистон Республикасига кириши учун таклифномани расмийлаштириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ўз фикрини билдиради.	Ўн икки иш куни мобайнида
4-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ МваФР тизимлари	Ваколатли орган билан келишилганидан ва ижобий қарор қабул қилинганидан сўнг таклифномани расмийлаштиради ва бевосита таклиф қилувчига ёки унинг ишончли вакилига топширади.	Бир иш куни мобайнида
5-босқич	Таклиф қилувчи	Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинималарига кириш визаларини расмийлаштириш учун мурожаат қилади ва тегишли хужжатларни тақдим этади.	Таклифномада кўрсатилган муддатларда

6-босқич	Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти ёки вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари	Ўзбекистон Республикасига ватандошларни таклиф қилаётган шахсдан белгиланган намунадаги виза буюртмаси ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади.	Таклифномада кўрсатилган муддатларда таклиф қилувчининг мурожаатига кўра
7-босқич	Ўзбекистон Республикаси ТИВнинг Консуллик-ҳуқуқий департаменти	Виза буюртмаси ўрганиб чиқилганидан сўнг, агар ватандошларнинг Ўзбекистон Республикасига кириб келишига тўсқинлик қилувчи маълумотлар аниқланмаса, «VTD» кириш виза турини расмийлаштириш ва бериш учун чет элдаги консуллик муассасасига тасдиқнома (телекс) юборади.	Беш кун мобайнида
8-босқич	Таклиф қилувчи	Ватандошлар Ўзбекистон Республикасига келганидан сўнг вақтинчалик пропискани расмийлаштириш учун яшаш жойидаги МваФР бўлинмасига мурожаат қилади.	Уч иш куни мобайнида
9-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, вилоятлар ИИБ ва Тошкент шаҳар ИИББ МваФР тизимлари	Таклиф қилувчидан ватандошларни вақтинча прописка қилиш учун ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилади. Вақтинча пропискани расмийлаштириш учун талаб этиладиган ватандошларнинг ҳужжатлари ҳақиқийлигини ва уларни тақдим этиш муддатларига риоя этилишини текширади. Барча текширишлар тугаганидан сўнг ватандошга икки йил муддатга вақтинча прописка расмийлаштирилади.	Икки иш куни мобайнида

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг
оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф
қилишни расмийлаштириш, кўп марталиқ кириш
визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари
томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

_____ (МваФРнинг ҳудудий бўлини маси кўрсатилсин)

_____ бошлиғига

**ватандошларни таклиф қилиш тўғрисида
А Р И З А – А Н К Е Т А**

_____ (таклиф қилувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

1. Туғилган йили _____
2. Туғилган жойи _____
3. Миллати _____
4. Иш жойи ва лавозими _____
5. Яшаш манзили _____
6. Телефонлар (мобиль) _____ (уй) _____
7. Менинг ватандошим _____
(ватандошнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили,

_____ кариндошлиқ даражаси, фуқаролиги, яшаш давлатдан. Агар таклиф этилаётган ватандош аввал Ўзбекистон

_____ Республикасига келган бўлса, у ҳолда унинг Ўзбекистон Республикасига қачон, қаердан ва қандай мақсадда

_____ ҳамда қанча муддатга келганлиги кўрсатилсин)

_____ Ўзбекистон Республикасига келишига рухсат беришингизни сўрайман.

8. У билан бирга 16 ёшга тўлмаган қуйидаги фарзандлари келади:
(ушбу банд ота ёки онанинг бирига расмийлаштирилади)

1. _____
(фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили кўрсатилсин)
2. _____
3. _____
4. _____

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг
оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф
қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш
визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари
томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-илова

_____ - ТАКЛИФНОМА

_____ (фуқаролиги)

_____ (фамилияси)

_____ (исми, отасининг исми)

_____ дан
(мамлакат)

Ўзбекистон Республикасига _____
(шаҳар, туман номи)

кириб келишга рухсат берилди.

Таклифнома 20__ йил “__” _____ дан 20__ йил “__” _____ гача амал қилади.

_____ (МваФРнинг худудий бўлинмаси кўрсатилсин)

бошлиғи

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (сана)

М.Ў.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг
оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф
қилишни расмийлаштириш, кўп марталик кириш
визаларини бериш ҳамда уларни ички ишлар органлари
томонидан вақтинча прописка қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
(ариза Консуллик-ҳуқуқий департамент ёки унинг
худудий бўлинмалари раҳбари номига ёзилади)

(таклиф қилувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми,
фуқаролиги, доимий яшаш манзили ва телефон рақами)

ВИЗАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН АРИЗА

Қуйидаги шахсга виза расмийлаштиришда ёрдам беришингизни сўрайман:

1.	Ватандошнинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг аввалги фамилияси, исми, отасининг исми (паспорти асосида ва лотин босма ҳарфлари билан)	
2.	Фуқаролиги (аввалги фуқаролиги)	
3.	Туғилган вақти (йил, кун, ой) ва жойи (шаҳар ва мамлакат)	
4.	Жинси	
5.	Паспорт тури, рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати	
6.	Иш (ўқиш) жойи (ташкilotнинг тўлиқ номи ва лавозими)	
7.	Ўзбекистонга сафар мақсади ҳамда ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари томонидан берилган таклифнома рақами	
8.	Қариндошлик алоқалари	
9.	Ўзбекистон Республикасида турган вақтда яшайдиган манзили	
10.	Ўзбекистонда яшаш муддати	_____дан _____гача ___ марта ___ кун (ҳар бир киришда)
11.	Виза олиш жойи (давлат / шаҳар)	Ўзбекистон Республикасининг _____ даги Элчихонаси/Консулхонаси
12.	Ватандошни турар жой билан таъминлаш ва ўз вақтида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларида рўйхатдан ўтказиш мажбурияти	

Изоҳ. Таклиф қилувчи шахс томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментига ёки худудий бўлинмаларига ва таклиф қилинаётган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатдаги консуллик муассасасига ёлгон ёки нотўғри маълумотларнинг тақдим этилиши ватандошга виза расмийлаштиришни тўхтатишга ёки уни бекор қилишга олиб келади.

Сана _____ Имзо _____ Ф.И.О. _____

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар ва уларнинг
оила аъзоларини Ўзбекистон Республикасига таклиф қилишни
расмийлаштириш, кўп марталик кириш визаларини бериш
ҳамда уларни ички ишлар органлари томонидан вақтинча
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-илова

МваФРнинг ҳудудий бўлини маси кўрсатилсин

бошлиғига

А Р И З А

Мени _____ муддатга қуйидаги манзилга вақтинча пропискага
қўйишингизни сўрайман:

(вақтинча пропискадан ўтаётган манзил кўрсатилади)

Ватандошим _____

(ватандошлик даражаси Ф.И.О.)

_____ таклифи бўйича келганман

Ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

1. Ф.И.О. _____

(ватандошнинг Ф.И.О. кирилл алифбосида кўрсатилади)

(ватандошнинг Ф.И.О. паспорт бўйича кўрсатилади)

2. Фуқаролиги _____

3. Жинси _____

4. Туғилган санаси _____

5. Туғилган жойи _____

6. Фарзандлари _____

(16 ёшгача бўлган фарзандларнинг Ф.И.О. ва туғилган йили)

7. Келишдан мақсадим _____

8. Паспорт (ҳаракатланиш ҳужжати) _____

(серия, рақами ва амал қилиш муддати)

9. Келган куни, виза рақами, ким томонидан ва қачон берилган, амал қилиш муддати:

10. Телефон (мобил) _____

Бўлиш даврида қонунчилик талабларига риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

Сана _____

Имзо _____

МваФРнинг ҳудудий бўлини маси кўрсатилсин
бошлигига _____

_____ манзилида яшовчи
фуқаро _____
_____дан
Тел. _____

А Р И З А

Сиздан Ўзбекистон Республикасига келган ватандошим _____

_____ (ҳақиндошлик даражаси)

_____ (фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ ни

_____ муддатга _____

_____ (вақтинча пропискадан ўтаётган манзилнинг тўлиқ номи)

_____ га вақтинча прописка қилишингизни сўрайман.

Менга хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидалари тушунтирилди.

Сана _____

Имзо _____

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 17 апрелдаги
326-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
1993 йил 19 августдаги 423-сон қарори билан тасдиқланган
Вазирликлар, корхоналар ва хўжалик бошқарувидаги идоралар
томонидан хорижий валютада ундириладиган божлар ставкалари,
йиғимлар тарифи ва бошқа солиқ бўлмаган тўловлари тарифлари
бўйича IX-бўлимига киритилаётган ўзгартиришлар**

2 ва 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик
кириш-чиқиш визаларни расмийлаштирганлик учун:

олти ойгача	150 АҚШ доллари
бир йилгача	250 АҚШ доллари
икки йилгача	300 АҚШ доллари
уч йилгача	350 АҚШ доллари

3. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни кириш визаси
амал қилиши муддатига вақтинчалик пропискадан ўтказганлик ва визанинг амал
қилиш муддатига вақтинчалик прописканинг амал қилиш муддатини
узайтирганлик учун:

бир ойгача	тўловсиз
икки ойгача	40 АҚШ доллари
уч ойгача	60 АҚШ доллари
олти ойгача	100 АҚШ доллари
бир йилгача	200 АҚШ доллари
икки йилгача	250 АҚШ доллари
уч йилгача	300 АҚШ доллари».